
ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ.

Данғара тумани ҳокими Навбахор МФЙга тайинланган ҳоким ёрдамчиси Ахмедов Умиджон томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан амалга оширилаётган ишлар билан таниш жараёнида туман ҳокими ҳамда ҳоким ёрдамчиси биргаликда Навбахор МФЙда яшовчи Юсупова Санобархон хонадони ўрганилиб ўтилди. Ўрганиш жараёнида хонадон эгалари билан суҳбатлашиб, бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳақида тушунчалар бериб ўтилди.

Ўрганиш жараёнида хонадонда иссиқхона ташкил этиш учун етарли ер майдони мавжудлиги инобатга олиниб, иссиқхона ташкил этиш ҳамда имтиёзли банк кредити асосида паранда олиб боқиш шу асносда даромад манбайи яратилиши бўйича таклифлар айтиб ўтилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2022-01-28 18:45:30